Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 39 (490) 2021 йил 18 май, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Шу куннинг гаплари

Давлатимиз раҳбари Рамазон ҳайити муносабати билан эзгу қадриятларга мувофиқ 14 май куни Республика ихтисослаштирилган гемотология илмий-амалий тиббиёт марказига борди. Ушбу соҳани ривожлантириш учун **546 млрд** сўмдан зиёд ва **71 млн** доллар маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Самарқанд тумани ҳудудидаги **212 гектар** майдонда туристик марказ барпо этилмоқда. Унда 2 та беш юлдузли, 2 та тўрт юлдузли, 4 та бутик меҳмонхона, ресторан ва савдо дўконлари қурилади.

Фарғона вилоятида бу йил паррандачиликка мўлжалланган **116 млрд** сўмлик 25 та лойиҳа ишга туширилади.

Андижоннинг Хўжаобод туманидаги А-373 автомобиль йўлининг 45-километрида лойиҳа қиймати **3,5 млрд** сўм бўлган кўприк тўлиқ таъмирланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида дафтарларга киритилган **100 та оилага** 300 бош қўй-эчки тарқатилди. Бунинг учун тумандаги "Микрокредитбанк" "Саховат ва кўмак" фондига етарлича маблағ ажратиб берди.

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИБ, МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 май куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология миллий тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, маҳсулотлар сифатини ошириш, жаҳон бозорларига чиқиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, юртимизда мавжуд 30 мингга яқин стандартнинг 19 мингтаси халқаро нормалар билан уйғунлаштирилди ва халқаро стандартлар реестри шакллантирилди.

Эскирган, бозор иқтисодиёти механизмларига салбий таъсир кўрсатадиган 5 минг 600 та стандарт амалиётдан чиқарилди, 3 минг 500 таси замон талаблари асосида такомиллаштирилди. Халқаро аналогларга мувофиқ қўшимча 26 та техник регламент ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи 260 та корхонада "Global G.A.P." ҳамда "Organic" стандартлари асосида сифат тизими жорий этилди ва улар халқаро даражада сертификатлаштирилди.

32 та тўқимачилик корхонаси "Oeko-Tex" стандарти асосида сертификатлаштирилди. 21 та корхона Европа Иттифоқида талаб этиладиган "CE" маркировкасини тасдиқловчи сертификат олди.

Синов лабораториялари модернизация қилиниб, юртимизга чет эллардан келтирилаётган маҳсулотлар сифати ҳам ўрганиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришда, эспорт ва импорт жараёнларида стандартлар билан боғлиқ яна кўплаб вазифалар бор. Айрим тартиб-таомиллар тадбиркорларга қийинчилик туғдирмоқда.

Тақдимотда шу масалаларни ҳал этиш, соҳадаги тартибларни такомиллаштириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Масалан, бугунги кунда 3 минг 400 турдаги маҳсулотга санитария-эпидемиологик хулоса билан бирга мувофиқлик сертификати ҳам талаб этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга санитария-эпидемиологик хулоса олинадиган маҳсулотлар рўйхатини мақбуллаштириш, қўшимча мувофиқлик сертификати талабини бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш бўйича топшириқ берди.

Импорт маҳсулотлар синови божхона расмийлаштируви жараёнида амалга оширилиб, бунга 60 кунгача вақт кетмоқда. Шу боис, бу борадаги ҳужжатларни камида 30 кун олдин божхона электрон дастурига жойлаштириш тизимини йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Соҳани такомиллаштиришда жаҳон тажрибасидан фойдаланилмоқда. Жумладан, Европада фақатгина 28 турдаги хавфи юқори бўлган маҳсулот мажбурий сертификатланади, қолган барча турдаги товарлар мувофиқлиги декларациялаш орқали тасдиқланади.

2-бет

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ТУҒИЛГАН КУНИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Президент Қосим-Жомарт Тоқаевни таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва муваффақият тилади.

Қозоғистон Президентининг биродар мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси қайд этилди.

Мунтазамлик касб этган ва ишончга асосланган олий даражадаги мулоқотлар кўп қиррали Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларининг жадал суръат билан ривожланишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Суҳбатда икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Аввал эришилган келишувларнинг амалга оширилиши ҳамкорликнинг барча устувор йўналишларда янада кенгайишига хизмат қилишига ишонч билдирилди.

**ЎзА.**




# ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

## ишлаб чиқариш ҳажми ўсмоқда

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мамлакатда қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишининг ривожланганлиги соҳанинг иқтисодий барқарорлигига ҳам таъсир этади. Жумладан, қурилиш саноатида хомашёнинг етарлилиги қулай нарх-наво билан бирга сифат даражасини ҳам таъминлайди. Сўнгги йилларда юртимизда саноатнинг ушбу тармоғи бир қадар ривожланди.**

Бугун уй-жой ва кўп тармоқли бинолар қуриш, шаҳарлар ландшафтини ўзгартириш ҳаракатлари янги даврга кирди. Албатта, қурилишларнинг ортгани баробарида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам кўпайиб, ўсиш суръати ўтган даврларга нисбатан сезиларли бўлди. Жумладан, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2021 йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 24,2 трлн сўм этиб белгиланган. Шундан мазкур корхоналарда 9,1 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

– 2021-2023 йилларда қиймати 5,1 млрд доллар бўлган 1 005 та, шундан, бу йил 2,3 млрд, келаси йил 1,5 млрд, 2023 йилда эса 1,3 млрд долларлик лойиҳаларнинг реализация этилиши белгиланган, – дейди бошқарма бошлиғи Ботир Хожабеков. – Бу йилги ислоҳотлар натижасида 2022-2023 йилларда 57,6 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда. Ҳозирда республикада қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 8 600 та корхона фаолият юритяпти. Уларда 165 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Экспорт ҳажмини 2021 йилда 450 млн доллар, 2023 йилда эса 1 млрд доллардан ошириш кўзда тутилган.

Шу кеча-кундузда ўлкамизда биргина цемент ишлаб чиқарадиган 30 та корхона фаолият юритяпти. Ушбу тармоқлларнинг энг йириклари йиллик 4,2 млн тонна қувватга эга "Оҳангаронцемент", 3,5 млн тонна йиллик қувватга эга "Қизилқумцемент" ва йиллик 1,6 млн тонна қувватга эга "Бекобод цемент" акциядорлик жамиятлари ҳисобланади. 2021 йилда цемент ишлаб чиқариш прогнози 16,4 млн тоннани ташкил этади.

Юртимизда шаҳар қиёфасини замонавийлаштириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳаракатлари ортида қурилиш жараёнлари ривожланаверади. Яқин йилларда мамлакатимиздаги қурилишларда фойдаланиладиган қурилиш материалларининг тўла маҳаллийлаштирилишига эришилади.

# Кўргазма бўлиб ўтди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Zarafshan Golden Group" компанияси ташаббуси билан Навоий вилояти ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси ва "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси ҳамкорлигида илк бор хусусий секторлар ўртасида қурилиш материаллари кўргазмаси ташкил этилди.**



Унда республикамиздаги етакчи саноат корхоналари вакиллари, тадбиркорлар, шунингдек, 80 га яқин корхона ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Мазкур кўргазма қурилиш материаллари соҳасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш салоҳиятига эга маҳаллий корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида ташкил этилди.







# "Бунёдкор"ликлар қувончи

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Наманган шаҳрининг Янги Наманган туманидаги "Бунёдкор" маҳалласида МФЙ бошқарув идораси ҳамда кутубхона, маданият маскани ва давлат хизматлари марказини ўз ичига олган гузар фойдаланишга топширилди.**

– Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг февралида вилоятга ташрифи доирасида "Бунёдкор"га огоҳлантиришсиз боргани, одамлар билан мулоқотдан сўнг ҳудуд инфратузилмасини тубдан яхшилаш, аҳолига ҳар томонлама муносиб шароитларни яратиш юзасидан кўрсатмалар бергани бу манзилдаги хайрли ишларнинг дебочаси бўлди, – дейди шу ерда яшовчи фуқаро Низомжон Зиёвиддинов.

1 млрд сўм сарфлаб, замонавий талаблар асосида реконструкция қилинган ҳамда қайта жиҳозланган маҳалла гузари фуқароларга хизмат қила бошлади. Бунёдкорлик ишларини "Нодиршоҳ қурилиш" ва "Фозилбек пласт сервис" МЧЖлари сифатли бажаришди.

Маҳаллада 150 ўринга мўлжалланган МТТ ҳам фойдаланишга топширилди. Уни тиклаш учун маҳаллий бюджетдан 3 млрд 419 млн сўм ажратилди.

## Қонунчиликни билинг

# Шаҳарсозлик кодексининг 18-моддаси нима ҳақида?



**18-модда. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви**

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари амалга оширади.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№39 (490) 2021 йил 18 май

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИБ, МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

1-бет

Тақдимотда шундай тизимни тажриба-синов тариқасида амалиётга киритиш зарурлиги қайд этилди. Дастлабки босқичда 800 га яқин маҳсулот тури бўйича декларациялаш тартиби жорий этилади.

Халқаро талаблар билан уйғунлашмаган қолган 11 мингта миллий стандарт ўрнига халқаро стандартларни қабул қилиш ҳамда 2023 йилдан барча корхоналарни ушбу стандартларга ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

"Ўзстандарт" агентлиги тизимидаги 20 та синов лабораторияси фаолиятини халқаро даражада ташкил этиб, биринчи навбатда озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, электр техникаси, енгил саноат, гигиена ва парфюмерия маҳсулотлари ҳамда қурилиш материалларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолашни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Европа Иттифоқининг "GSP+" тизими доирасидаги имтиёзлардан кенг фойдаланиш учун корхоналарга халқаро сертификатлар олишда кўмаклашиш кераклиги қайд этилди.

Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар ҳамда Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисидаги битимлари нормаларидан келиб чиқиб, ушбу соҳаларга масъул идораларнинг ваколатларини аниқ белгилаш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

# Бинолар сифати учун
## асосий жавобгар ким?

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Замонавий қурилиш индустриясини яратиш, тармоқнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш жараёнлари юзасидан Навоий вилояти қурилиш бошқармаси бошлиғи Омонқул МИНГЛИЕВ билан суҳбатлашдик.**

– **Кейинги йилларда республикада шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш ишлари бир қадар юксалди. Навоий вилояти қурилиш бошқармаси томонидан бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Ўтган даврда Навбаҳор туманининг Кескантерак ва Нурота туманидаги Темирқовуқ шаҳар посёлкасининг бош режа лойиҳаси Республика архитектура шаҳарсозлик кенгашидан ўтказилди. Лойиҳага кўра, Темирқовуқда 2 қаватли уйлар қурилиши билан бир қаторда тўқимачилик фабрикалари, истеъмол ва қишлоқ хўжалик материаллари ишлаб чиқарадиган цехлар, меҳмонхона, ҳаммом, шифохона бинолари қурилиши белгиланди. Ҳозирги кунда "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ДУК томонидан Навоий шаҳрининг бош режаси ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Навоий шаҳри ва Кармана туманларининг ҳудудий чегараларини ўзгартиришга доир қарори билан Кармана тумани ҳудудининг 1097,58 гектар ер майдони Навоий шаҳри ҳудудига ўтказилди.

– **Вилоятдаги ўзгаришларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари қандай ўрин тутмоқда?**

– Дастурларга кўра, 2021 йилда вилоятнинг туман ва шаҳарларида 265 та маҳалланинг архитектура қиёфасини янгилаш, ҳудудларини ободонлаштириш бўйича 985,4 млрд сўмлик ишлар бажарилади. Жумладан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 15 та қишлоқ ҳамда 5 та маҳалла танлаб олинди. Қишлоқлар ва маҳаллаларнинг архитектура қиёфасини янгилаш, уларнинг ҳудудларини ободонлаштириш бўйича, ички йўлларни яхшилаш доирасида 216 та қишлоқ ва маҳаллада 430,5 километр йўллар таъмирланиши кўзда тутилган. Ижтимоий соҳа инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 12 та қишлоқ ва маҳаллада 13 та боғча, 24 та қишлоқ ва маҳаллада 24 та мактаб, 8 та қишлоқ ва маҳаллада 8 та тиббиёт муассасаси қурилади ҳамда таъмирланади.

– **Сўнгги пайтларда ҳудудларда қурилиш иншоотларини тиклаш ва қуришда айрим камчилик ва қонунбузилиш ҳолатлари учрамоқда. Бу борада фикрингиз қандай?**

– Айримлар барпо этиладиган бинолар сифати учун жавобгарлик фақат Қурилиш вазирлигининг зиммасида деб ўйлайди. Аммо бу хато фикрдир. Аксарият ҳолларда қурилиш сифатининг пастлиги техник назоратга боғлиқ. Техник назорат учун жавоб берувчи буюртмачининг вакили узлуксиз объектда бўлиши ва қурилиш жараёнини назорат қилиб бориши керак. Нормалар ва талабларга жавоб бермайдиган бинолар учун жавобгарлик асосан буюртмачиларнинг зиммасида бўлади. Бу масалалар тегишли қарор ва ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгилаб берилган. Бундан ташқари, вазирлик томонидан ишга туширилган "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими таркибида қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат ўрнатиш мақсадида "Қурилишдаги назорат" ахборот тизими йўлга қўйилган.

**– Сифатли қурилишларнинг бош омили малакали мутахассислардир. Вилоятда кадрлар тайёрлаш ва ёшларни иш билан таъминлаш борасида қандай кўрсаткичларга эришилди?**

– Соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув жараёнларини қурилиш ва лойиҳа ишлари билан чамбарчас боғлиқ равишда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу асосда Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳамда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, шунингдек, соҳа учун кадрлар тайёрлайдиган бир қатор касб-ҳунар коллежлари вазирлик тасарруфига ўтказилган. Вилоятимизда қурилиш соҳасининг аксарият қисмини ана шу ўқув даргоҳларини битириб келган ёш мутахассислар ташкил этади.

Қизилтепа қурилиш коллежи 2019-2021 йиллар давомида қурилиш соҳасига мингдан ортиқ кадр етиштириб берди. Коллежда қисқа ва узоқ муддатли ўқув курсларини битирган ёшларнинг бандлиги таъминланмоқда. Ёшлар доимо ташаббускор, янги ғоялар, лойиҳалар яратади, ишга янгича, креатив ёндашади. Уларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаш келгусида етук ғояларни, ёрқин келажакни қўллаб-қувватлаш демакдир. Шу маънода, ҳар бир лойиҳа устида ишлаётганда ёш кадрларнинг фикр ва ғоялари, ташаббуслари эътиборга олиниб қўллаб-қувватланмоқда.



# Обод бўлган Бўстон маҳалласи

**Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги Бўстон маҳалласида 2 минг 760 нафар аҳоли истиқомат қилади. Жорий йил "Обод маҳалла" дастури доирасида ҳудудда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.**



**Суратларда:** Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги Бўстон маҳалласида.
**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Дастур доирасида 155 хонадоннинг ташқи фасади жорий таъмирланиб, ранг берилди. Ҳудуд ободонлаштирилиб, 10,1 км ариқ ва зовурлар тозаланди. Янгиҳаёт, Қўшчинор, Х. Эшонов кўчаларига жами 87 дона бетон таянч устунлари ҳамда Х. Эшонов кўчасига 1 та 250 КВТ-ли трансформатор ўрнатилди.

Бўстон кўчаси хонадонларига тоза ичимлик суви етказиб бериш учун 700 метр масофага қувурлар ётқизилди. 25 та хонадон ҳомийлар кўмагида таъмирланиб, деворлари янгиланди.

Ҳудудга 1890 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ҳамда 3 минг 580 тупдан ортиқ турфа хилдаги гул кўчатлари экилди.

Шунингдек, "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" рўйхатига киритилган фуқаролар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. "Ёшлар дафтари"даги 40 нафар ёшга 20 сотихдан ер ажратилиб, уларга деҳқончиликни бошлаб олишларида кўмаклашилди.

Ҳудудда жами 18 та иссиқхона мавжуд бўлиб, 4 таси жорий йилда ташкил этилди. 8 нафар фуқарога имтиёзли кредит асосида қорамол олиб берилди.

Фарғонадан дараклар

# Яшараётган Ёзёвон

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Жорий йилда қишлоқларни янги ва замонавий уй-жойлар қуриш ҳисобига янгича қиёфага келтириш, ободонлаштириш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга Ёзёвон туманида алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



Шу мақсадда тумандаги 37 та кўча ва 1427 та хонадон ободонлаштирилади, замонавий қиёфа касб этади. 6,3 километр ички йўллар асфальтлаштирилиб, 11,7 километр маҳалла йўлларига қум-шағал қопламаси ётқизилади. 2 та умумтаълим мактаби ва 1 МТМ, 2 та соғлиқни сақлаш муассасасини қуриш, таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Бунинг учун республика бюджети ва унинг қўшимча маблағлари ҳисобидан 5 миллиард 804 миллион сўм, маҳаллий бюджет ҳисобидан 5 миллиард 223 миллион сўм, тармоқ корхоналари маблағлари ҳисобидан 619 миллион сўм, ташаббускор тадбиркорлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан 777 миллион 500 минг сўм маблағлар ажратилди.

Бугунгача "Тошҳовуз" МФЙ ҳудудида 2 260 метр ички тупроқли кўчалар шағаллаштирилди. 3 200 метр ариқлар тозаланиб, 60 та хонадонларнинг фасад қисмлари таъмирланди.

# Марғилонда йирик лойиҳалар

**Марғилон шаҳридаги "Гулистон", "Зуҳро", "Милтиқсоз", "Чилонзор" ва "Саховат" МФЙдаги 130 та кўп қаватли уйлар ҳамда 21 та ижтимоий соҳа объектларини марказлашган иссиқ сув, иссиқлик билан таъминлаш бўйича янги лойиҳа амалга оширилмоқда.**

Умумий қиймати 87,9 миллиард сўмни ташкил этаётган ушбу лойиҳани жорий йилнинг ноябрь ойига қадар якунлаш режалаштирилган.

Ҳududдаги 5 700 тадан зиёд хонадон ва ижтимоий соҳа объектлари томонидан электр энергияси, табиий газга 1 йил давомида 33,8 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланаётган бўлса, лойиҳа тўла қувватда ишга туширилгач бу рақам 15,4 миллион сўмни ташкил этиши назарда тутилган.

# Энди соҳада муаммо бўлмайди

**Ўзбекистон тумани маркази – Яйпан шаҳрига "Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ мутахассислари ва туман ЙҲХ ходимлари кузатувида вилоятда ягона бўлган 40 000 КвА қувватга эга трасформатор етказиб келинди.**

110/35/10 кВли "Яйпан" нимстанциясига ўрнатиладиган улкан трансформатор пункти вилоятда ягона ҳисобланиб, унинг қиймати 7,5 миллиард сўмни ташкил этади.

Эндиликда мазкур улкан қувватли янги ТПнинг тўлиқ ишга тушиши натижасида 20 мингдан ортиқ аҳоли хонадонлари ва 150 дан ортиқ улгуржи истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш имконияти яратилади.

# Ҳасанкўрғончада янги боғча

**Бувайда туманининг чекка ҳудудларидан бири бўлган Ҳасанкўрғонча қишлоғида 300 ўринли 40-сонли мактабгача таълим ташкилоти фаолият бошлади.**



Авваллари бу ерда қаровсиз, ташландиқ ҳолга келиб қолган 11-умумтаълим мактаби биноси жойлашган эди. Ўзгаришлар палласида бинони таъмирлаш учун 500 миллион сўм маблағ ажратилди ва замонавий боғча барпо этилди. Унинг очилиш маросимида тумандаги барча сектор раҳбарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Бу ерда жажжи болажонларнинг вақтларини мазмунли ўтказишлари учун бунёд этилган ёзги айвон, мини стадион ва кичик кутубхона тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.


## "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ

### нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2021 йил 17 июнь куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдога "Ҳазорасп пахта тозалаш" АЖнинг 2021 йил 12 майдаги 01/73-сонли хатига асосан Ҳазорасп тумани, Н. Машарипов кўчаси, 2-уйда таъмирталаб ҳолатда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. 2011 йилда ишлаб чиқарилган "HYUNDAI 7E" русумли автокара. **Бошланғич баҳоси** – 15 073 000 (ўн беш миллион етмиш уч минг) сўм.

2. 2012 йилда ишлаб чиқарилган "HYUNDAI 15D 7B" русумли автокара. **Бошланғич баҳоси** – 13 800 000 (ўн уч миллион саккиз юз минг) сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари 2021 йил 17 июндаги очиқ аукцион савдода сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2021 йил 31 июль кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдода иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 5 (беш) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда, ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Тўлов учун реквизитлар:** ҳисоб рақами: 2020 8000 0049 5964 3001, "Ипотека-банк" АТИБ Тинчлик филиали, МФО 00580, СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.
**Веб-сайт:** www.koss.uz
*4621 рақамли гувоҳнома.*



## "Qashqadaryo texnologik transport" aksiyadorlik jamiyati

### акциядорлари диққатига!

"Qashqadaryo texnologik transport" AJ Кузатув кенгашининг 2021 йил 17 май куни бўлиб ўтган йиғилиш қарорига асосан, 2020 молия-хўжалик йили якунларига бағишланган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2021 йил 15 июнь куни соат 15.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тошйўли, 16-уй манзилида, жамият биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Акциядорлар йиллик умумий йиғилишига келган акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатга олиш соат 14.00 дан 15.00 гача амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2021 йил 17 май ва акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2021 йил 10 июнь.

**Кун тартиби:**

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият бошқаруви раисининг 2020 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти натижалари, бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботини тасдиқлаш.
5. 2020 йил якуни бўйича жамият Тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
6. 2020 йил якуни бўйича жамият йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия балансi, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.
7. 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш ва дивиденд тўлаш.
8. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
10. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги мустақил аудитор ташкилоти хулосасини қабул қилиш.
11. Ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаштириш.
12. Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдамнинг энг кўп миқдорини аниқлаш.
13. "Qashqadaryo texnologik transport" AJнинг уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд пулларини жамият ихтиёрида қолдириш тўғрисида.
14. "Qashqadaryo texnologik transport" AJнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботларини аудит миллий стандартлари ҳамда халқаро аудит стандартлари асосида ташқи аудиторлик текширувидан ўтказган аудиторлик ташкилоти хулосасини тасдиқлаш.
15. "Qashqadaryo texnologik transport" AJнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий стандартлар асосида ҳамда халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
16. Жамият бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш.
17. Жамиятнинг штат жадвали ҳамда ташкилий структурасини ўзгартириш.
18. Жамиятда келгусида фойда келтирмайдиган асосий воситадаги мол-мулкларни ҳамда рентабелсиз автотранспорт воситаларини очиқ аукцион савдоси орқали сотиш ва яроқсиз ҳолга келган мулкларни ҳисобдан чиқариш масаласини кўриб чиқиш.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома, юридик шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва юридик шахс раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўрилаётганда акциядорлар тақдим этилиши лозим бўлган материаллари билан "Qashqadaryo texnologik transport" AJга душанбадан жумагача соат 9.00 дан 16.00 гача ёзма мурожаат этишларии лозим. Тақдим этилиши лозим бўлган материаллар ёзма мурожаат келиб тушган санадан бир кунлик муддатда тақдим этилади.

**"Qashqadaryo texnologik transport" AJ жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили:** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тошйўли, 16-уй.

**Жамиятнинг электрон почта манзили:** qashqadaryotextrans@mail.ru

**Батафсил маълумот учун алоқа телефони:** 99-750-26-00.

**"Qashqadaryo texnologik transport" AJ раҳбарияти.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан

# Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

## 2021 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш бўйича қайта танлов савдоларини эълон қилади!

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2021 йил 18 май.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 10 кундан сўнг.

**Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

4. Янги тартибга мувофиқ кўп квартирали уй-жойлар қурилишида рейтинг тизимига кирган "СС" ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

**5. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйида кўрсатилган манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин:** Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кўчаси, 59-"а" уй.

**Телефон:** 61-222-36-25, **факс:** 61-222-74-12.

**6. Танлов ҳужжатларининг нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича** ёзма ёки электрон шаклда **мурожаат қилишлари мумкин:** "Қорақалпоғистон Республикаси, _________тумани, ____________массивидаги, _________ лот ____та кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман."

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчисининг – Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказларининг банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган тўлов БЭКИҲМга тенг.

**Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:** ҳ/р: 2021 0000 9039 5251 8001, АТБ "Капиталбанк" Нукус филиали, МФО 01038, СТИР 202 610 040.

**7. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига;

**таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатигача;**

лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтгача;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

**кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;**

**квартиранинг бир квадрат метрининг (1 м²) реализация нархи;**

**кўп квартирали уй-жойни ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағни мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.**

**8. Танлов таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:** Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кўчаси, 59-"а" уй.

**9. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 1 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми м³ | Сўнгги 1 йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнгги 1 йилда қуриб битирилган объект майдони м² |
| Беш қаватли 30 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 7 500 000 000 | 4 000 000 000 | 900 | 850 | 1400 |

**Лотлар рўйхати**

| Лот № | Ҳудудлар | Массив номи | Хонадон сони | Беш қаватли, 20 хонадонли, 2-3 хонали уйлар | | | Беш қаватли, 30 хонадонли, 2-3 хонали уйлар | | | Таклифларни топширишни охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | уй рақами | сони | хонадон | уй рақами | |
| | ЖАМИ | | 90 | | | | 3 | 90 | | |
| 6-ҚР | Қўнғирот | Қанлы | 30 | | | | 1 | 30 | 1 | 2021 йил 27 май, соат 11.00 |
| 7-ҚР | Қўнғирот | Қанлы | 30 | | | | 1 | 30 | 2 | 2021 йил 27 май, соат 11.00 |
| 13-ҚР | Элликқалъа | Элликқалъа | 30 | | | | 1 | 30 | 2 | 2021 йил 27 май, соат 11.00 |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан

# Тошкент вилояти ҳокимияти

## 2021 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш бўйича танлов савдоларини эълон қилади!

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2021 йил 18 май.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 10 кундан сўнг.

**Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Тошкент вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

**4. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

**5. Танлов ҳужжатларининг нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича** ёзма ёки электрон шаклда **мурожаат қилишлари лозим:** "_______ вилояти, _________ тумани, ____________ массивидаги, _________ лот ____ та кўп қаватли уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман."

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчиси – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказининг банк ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг *(2021 йил 1 март ҳолатига – 245 000 сўм)*.

**Реквизитлар:** ҳ/р: 2021 0000 5045 4602 7001, "Asia alliance bank" АТБ Олмазор филиали, МФО 01102, СТИР 300 17 720.

**6. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига;

**таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатигача;**

лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтгача;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

**кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;**

**квартиранинг бир квадрат метрининг (1 м²) реализация нархи;**

**кўп квартирали уй-жойни ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағни мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.**

**7. Танлов таклифларини очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:** Тошкент вилояти ҳокимияти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй.

**8. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 3 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми м³ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган объект майдони м² |
| Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 3 250 000 000 | 2 750 000 000 | 500 | 875 | 1875 |

**Лотлар рўйхати**

| Лот № | Ҳудуд | Массив номи | Хонадон сони | 5 қават, 20 хонадон, 2-3 хонали | | | 9 қават, 36 хонадон, 2-3 хонали | | | 16 қаватли, 2-3 хонали | | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Сони | Қават | Хона сони | Сони | Қават | Хона сони | Сони | Қават | Хона сони | |
| ТВ-11/01 | Зангиота т. | "Туркистон" МФЙ | 20 | 1 | 5 | 20 | | | | | | | 2021 йил 27 май, соат 11.00 |
| ТВ-11/02 | Зангиота т. | "Туркистон" МФЙ | 20 | 1 | 5 | 20 | | | | | | | 2021 йил 27 май, соат 11.00 |
| ТВ-11/03 | Зангиота т. | "Туркистон" МФЙ | 20 | 1 | 5 | 20 | | | | | | | 2021 йил 27 май, соат 11.00 |
| ТВ-11/04 | Зангиота т. | "Туркистон" МФЙ | 20 | 1 | 5 | 20 | | | | | | | 2021 йил 27 май, соат 11.30 |
| ТВ-11/05 | Зангиота т. | "Туркистон" МФЙ | 20 | 1 | 5 | 20 | | | | | | | 2021 йил 27 май, соат 11.30 |
| ТВ-11/06 | Зангиота т. | "Туркистон" МФЙ | 20 | 1 | 5 | 20 | | | | | | | 2021 йил 27 май, соат 11.30 |
| ТВ-11/07 | Зангиота т. | "Туркистон" МФЙ | 20 | 1 | 5 | 20 | | | | | | | 2021 йил 27 май, соат 12.00 |
| ТВ-11/08 | Зангиота т. | "Туркистон" МФЙ | 20 | 1 | 5 | 20 | | | | | | | 2021 йил 27 май, соат 12.00 |
| ТВ-11/09 | Зангиота т. | "Туркистон" МФЙ | 20 | 1 | 5 | 20 | | | | | | | 2021 йил 27 май, соат 12.00 |
| ТВ-11/10 | Зангиота т. | "Туркистон" МФЙ | 20 | 1 | 5 | 20 | | | | | | | 2021 йил 27 май, соат 12.00 |
| | ЖАМИ | | | 10 | | 200 | | | | | | | |

# Уважаемые акционеры

# АО "Мубарекнефтегазмонтаж"!

АО "Мубарекнефтегазмонтаж", расположенное по адресу: Кашкадарьинская обл., г. Мубарек, 2-й микрорайон, извещает вас о том, что 28 мая 2021 г. в 10.00 ч. состоится внеочередное общее собрание акционеров общества.

**Место проведения общего собрания акционеров:** Кашкадарьинская область, г. Мубарек, 2-й микрорайон.

Список акционеров, имеющих право на участие в общем собрании акционеров, будет составлен по состоянию на 24 мая 2021 года.

**Повестка дня:**

1. Утверждение состава счетной комиссии и регламента годового общего собрания акционеров АО "Мубарекнефтегазмонтаж".
2. Внесение изменений и дополнений в Положение по отбору кандидатур на должности руководителя и членов исполнительного органа акционерного общества "Мубарекнефтегазмонтаж".
3. Внесение изменений в Устав общества в связи с сокращением должности заместителя председателя по перспективному развитию.
4. Внесение изменений в Положение об исполнительном органе акционерного общества "Мубарекнефтегазмонтаж" в связи с сокращением должности заместителя председателя по перспективному развитию.
5. Внесение изменений в организационную структуру общества в связи с сокращением должности заместителя председателя по перспективному развитию.
6. Внесение изменений в Положение о Наблюдательном совете акционерного общества "Мубарекнефтегазмонтаж".
7. Отменить решение общего собрания акционеров общества от 30.09.20 года по 14-вопросу о реорганизации общества.
8. Реорганизация входящих в структуру АО "Мубарекнефтегазмонтаж" унитарных предприятий "КИПмонтажсервис", "Нефтегазускунамонтаж", "Трубодеталь" и обществ с ограниченной ответственностью "Нефтегазсаноатарматураси", "Мубарекнефтегазмонтаж-спецстрой" путем присоединения их к акционерному обществу "Мубарекнефтегазмонтаж".
9. Внесение изменений в решение общего собрания акционеров общества от 30.09.20 года по 8-вопросу о распределении прибыли.
10. Об определении аудиторской организации для проведения обязательной аудиторской проверки в соответствии с НСА и МСА, для проверки правильности расчетов значений ключевых показателей эффективности и процентов их выполнении, также предельного размера оплаты ее услуг по результатам 2021 г.

**В период подготовки к проведению общего собрания акционеров вы сможете ознакомиться со следующими материалами:**

- вносимые изменения в Устав общества;
- проект вносимых изменений в положение об исполнительном органе общества;
- проект вносимых изменений в положение о Наблюдательном совете;
- вносимые изменения в организационную структуру общества;
- ответное письмо Агентства по развитию рынка капитала (12.11.2020 г. №05/1283);
- проект вносимых изменений и дополнений в Положения по отбору кандидатур на должности руководителя и членов исполнительного органа акционерного общества "Мубарекнефегазмонтаж";
- необходимые материалы по реорганизации общества;
- проект вносимых изменений в решение общего собрания акционеров общества от 30.09.20 года по 8-вопросу о распределении прибыли;
- поданные документы со стороны аудиторских организаций по объявленному конкурсу по выбору внешнего аудита.

Также общество сообщает, что в повестку дня включен вопрос №7, голосование по которому может повлечь возникновение права требовать выкупа обществом акций у акционера. Акции оценены по 584 612 сум каждая. Акционер свое требование о выкупе принадлежащих ему акций должен направить обществу с указанием места жительства (места нахождения) акционера и количества акций, выкупа которых он требует, Акционером сообщение о выкупе обществом принадлежащих им акций должен быть предъявлен обществу не позднее тридцати дней со дня принятия соответствующего решения общим собранием акционеров.

**E-mail:** mngm07@mail.ru

**Тел.:** (98) 274-21-16, (98) 274-21-36.

**Телефон начальника отдела корпоративных отношений с акционерами:** (97) 300-87-14.

Регистрация участников 28.05.2021 г. с 09.00 до 10.00.

Просьба при себе иметь паспорт или иное удостоверение личности.

**Наблюдательный совет**
**АО "Мубарекнефтегазмонтаж".**

# "Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалида

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Ўзбекистон Республикаси "Ўзагролизинг" АЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг 2021 йил 10 майдаги 11-01-12/149-сонли алоқа хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Темур кўчаси, 1-"А" уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

**Умумий майдони** – 157,15 квадрат метр бўлган эски маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси** – 82 329 444 сўм.

**Умумий майдони** – 61,49 квадрат метр бўлган эски омборхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 22 148 909 сўм.

**Аукцион савдо 2020 йил 18 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" манзилида жойлашган "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ биносида ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган мулк билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2053 3172 3007 "Турон банк" АТБ Нукус филиали, МФО 00585, СТИР 308 112 732.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй.

**Тел.:** 61-222-84-44.

**Электрон почта:** user14@inbox.uz



# Обод бўлаётган гўша

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қашқадарё вилоятида “Обод қишлоқ” дастури бўйича 13 та тумандаги табиий иқлим шароити оғир ҳудудларнинг 26 та қишлоқларида ободонлаштириш ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда.**

Вилоятнинг Касби туманидаги Қамаши қишлоғида аввалдан ичимлик суви муаммоси мавжуд бўлиб, қишлоқ аҳолиси шу кунгача санитар ҳолати қониқарсиз сувни ичишга мажбур эди. Дастур асосида қишлоққа 1 млрд 200 млн сўм маблағ эвазига 5 километрга тоза ичимлик тармоғи тортилмоқда ва яқин кунларда хонадонларга оби ҳаёт кириб келиш арафасида. Шу билан бирга электр таъминотини яхшилаш мақсадида 26 та янги таянч устунлар ўрнатилиб, 2,8 километр электр тармоқлари тортилди, табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида эса 44 та газ тақсимлаш пунктлари таъмирланяпти. Шунингдек, қишлоқдаги чанг кўчалар ўрнига 10 километр йўлларга асфальт ва 12 километрга шағал ётқизилади.

Миришкор туманининг Зафар ва Бўстон қишлоқларида амалга оширилаётган ишлар учун 1,4 млрд сўм маблағ йўналтирган. Ушбу қишлоқларда 10,8 километр электр узатиш тармоқлари, 2 та трансформатор пунктини қуриш, 893 та хонадон, 6 та ижтимоий соҳа объекти, 49 та улгуржи истеъмолчиларнинг электр энергияси таъминоти тубдан яхшиланиши кутилмоқда. Шунингдек, Бўстон қишлоғида илк бунёдкорлик намунаси бўлган маҳалла биноси қуриб фойдаланишга топширилгани аҳоли учун қўшалоқ байрам бўлди.

Албатта, қишлоқларда аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасини сезиларли даражада ўзгартириш, ҳудудлар қиёфасини замонавий қайта қуриш, айниқса, ёшлар учун муқим иш ўринларини яратишга қаратилган дастур қишлоқ аҳолиси учун эътибор ва ғамхўрликнинг намунасидир.

# Зоминда “Нуронийлар маскани” қурилди

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугун сафимизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган меҳнат фахрийлари, кексалар, нуроний отахонларни қадрлаш, улар соғлом ҳаёт кечиришлари, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун зарур шароитларни яратиш фарзандлик бурчимиздир. Зомин туманида кексалар учун қурилган “Нуронийлар маскани” ғамхўрлик ва эътиборнинг амалий ифодасидир.**

Ушбу маскан ўзининг меъморий ечими билан алоҳида ажралиб, қурилишида миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган. Унинг очилишига бағишланган маросимда вилоят, туман ҳокимияти вакиллари, нуронийлар, меҳнат фахрийлари, кенг жамоатчилик иштирок этишди. Сўзга чиққанлар юртимиздаги тинчлик-осойишталик учун шукрона айтиб, масканда яратилган қулайлик ва имкониятлар учун миннатдорлик билдиришди.

Мазкур кошонадан кутубхона, тиббиёт хонаси, махсус тренажёрлар билан жиҳозланган соғломлаштириш зали, шахмат-шашка клуби, чойхона ўрин олган бўлиб, нуронийлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

– Бундай ғамхўрлик учун тажрибамизни, билимимизни ёшларга ўргатишимиз керак. Юртбошимиз белгилаб берган йўлда уларга кўмакдош бўлиш бизнинг бурчимиздир, –дейди меҳнат фахрийси Нуриддин Муҳиддинов.

# Ҳамюртларимиз бугунидан рози

**Зиё СИРОЖ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тан олиш керак, республикамизда ечимини кутиб турган масалалар йиғилиб қолган эди. Шукрки, уларнинг ижобий ечимини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасидаги ишлар жадаллик билан давом этяпти. Натижада аҳолининг оддий турмуш шароитига оид муаммолар аста-секин ечила бошлади.**



Бунинг учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижросини таъминлаш доирасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастурга асосан, шароити нисбатан оғир маҳаллалар танлаб олинди. Айни пайтда улардаги умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари, шифохоналар, кўчалар, кўплаб аҳоли хонадонлари таъмирланмоқда. Энг аввало, ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси ва йўл масаласидаги ҳаракатлар бошлаб юборилди. Зеро, ҳамюртларимизнинг кундалик турмушига ўзгариш кириб бормас экан, ислоҳотларни амалга оширишдан ҳеч қандай манфаат йўқ.

– “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси доирасида ҳудудларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари кўлами ортмоқда, – деди “Андижон сув таъминоти” МЧЖ директори Шуҳратбек Матмусаев биз билан суҳбатда. – Айни пайтда жамиятимиз ишчилари томонидан аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида шаҳар ва қишлоқларда 55,6 млрд сўм маблағ ҳисобига 31 та объектда 273 километр ичимлик суви тармоғини тортиш, 19 дона янги қудуқ ўрнатиш ҳамда 35 та қудуқни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. 7,8 километр сув тармоғини реконструкция қилиш ҳисобига 6 минг нафарга яқин аҳоли яшайдиган мазкур маҳаллаларда ичимлик сув таъминоти тубдан яхшиланиб, мингга яқин хонадонга сув ҳисоблаш ускунаси ўрнатилади.

Ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар билан танишар эканмиз, маҳаллаларда барча йўналишлар бўйича белгиланган вазифалар ўз ўрнида олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик.

– Жорий йилда Марҳамат туманидаги Оқбош ва Тўлға маҳаллалари “Обод қишлоқ” дастурига киритилди, – деди туман ҳокими Бобуржон Юлдашев. – Шу кунларда Тўлға маҳалласида дастур бўйича иш бошланган. Жумладан, 11-, 16-умумтаълим мактаблари реконструкция қилиниб, янги мактабгача таълим ташкилоти қуриляпти. Маҳалладаги қатор кўчаларга ичимлик суви тармоғини тортиш, янги сув қудуғи қазиш, эскирган, яроқсиз симёғочлар ўрнига замонавий, мустаҳкам бетон устунлар ўрнатиш, янги электр симларини тортиш, йўл ёқаси, йўлакчаларни тартибга солиш, кўчаларни текислаш ва шағаллаш ишлари якунига етказилмоқда. Туман “Йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси томонидан Бехизор кўчасининг 1,24 километр қисмига шағал ётқизилди. Ушбу маҳаллада барча йўналишлар бўйича қарийб 27 миллиард сўмлик қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилиши режалаштирилган.

Дастурлар доирасида вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги танлаб олинган маҳаллаларда газ таъминотини яхшилаш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган. Жумладан, Андижон ва Хонобод шаҳарларидаги 6 та маҳаллада газ таъминотини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиши кўзда тутиляпти. Айни кунларда Андижон шаҳрининг Садда ҳамда Хонобод шаҳрининг Фозилмон маҳаллалари ўрамидаги табиий газ қувурларининг 2,6 километр қисми, мавжуд 8 та газ тарқатиш қурилмаларини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида эса ушбу йилда 20,6 километр газ қувурларини жорий, 0,5 километр газ қувурини мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилади. Бу ишлар учун “Hududgazta’minot” акциядорлик жамияти маблағлари ҳисобидан 233,2 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Умуман, дастурга киритилган маҳаллалар ўрамидаги 63 та газ тақсимлаш қурилмасини жорий, 7 тасини мукаммал таъмирлаш, битта янги газ тақсимлаш қурилмаси барпо этиш режалаштирилган.

– Жорий йилда туманимизда “Обод қишлоқ” давлат дастури доирасида Илғор, Сиза, Ифтихор ҳамда Дўстлик маҳаллаларида газ таъминоти яхшиланади, – деди “Baliqchitumangaz” газ таъминоти бўлими муҳандиси Мамасобир Солиев. – Айни пайтда тармоқларни тартибга келтириш, газ қувурларини бўяш ишлари олиб борилмоқда. Дастур доирасида 2,2 километр газ тармоғи, 5 та газ тақсимлаш қурилмаси жорий таъмирдан чиқарилади, шунингдек, эҳтиёжманд оилаларга 149 та маиший газ баллони тарқатилиши режалаштирилган. Натижада мингдан ортиқ хонадоннинг газ таъминоти янада яхшиланади.



Дастурлар доирасида шу кунларда Асака туманидаги Улуғбек, Бўстон туманидаги Сарбон, Жалақудуқ туманидаги Осуда ҳаёт, Марҳамат туманидаги Тўлға, Қўрғонтепа туманидаги Дардоқтепа, Олтинкўл туманидаги Хўжа, Улуғнор туманидаги Тераkзор, Хўжаобод туманидаги Ордай, Шаҳрихон туманидаги Тўлқин, Андижон туманидаги Мустақиллик, Балиқчи туманидаги Сиза, Булоқбоши туманидаги Шарқ юлдузи, Пахтаобод туманидаги Зиёли, Хонобод шаҳридаги Юксалиш ва Андижон шаҳридаги Садда маҳаллаларида ишлар олиб борилмоқда. Режага асосан, мазкур ҳудудларда 24,7 километр узунликдаги паст кучланишли электр тармоқлари тортилиб, 15 та янги трансформатор пункти ўрнатилади, 21 та трансформатор пункти таъмирланади. Бир сўз билан айтганда, давлат дастури асосида вилоят бўйича 1 минг 146 километр узунликдаги электр тармоқлари тортилиб, 306 та янги трансформатор пункти ўрнатилиши кўзда тутилган.

– Хўжаобод тумани Ордай маҳалласида 360/50 кВА трансформатор пункти таъмирланди, – деди “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти раҳбари А. Жўраев. – Бундан ташқари, 1,2 километр узунликдаги электр тармоғи дарахт шохларидан тозаланиб, таранглаштирилди ва темир-бетон устунлар олиб келиниб ўрнатилмоқда. Жорий йилда дастурлар доирасида 1 минг 146 километр паст кучланишли электр тармоқлари, 306 дона трансформатор пункти реконструкция ва модернизация қилинади, шунингдек, 76 та маҳалла ҳудудида 24,7 километр узунликдаги электр тармоғи тортилади, 15 та трансформатор пункти янгидан қурилади.

Ҳозирда Андижон туманидаги Мустақиллик, Ойжамол, Булоқбоши туманидаги Шарқ юлдузи, Олтинкўл туманида Хўжа, Бўстон туманидаги Сарбон, Марҳамат туманидаги Тўлға, Қўрғонтепа туманидаги Дардоқтепа, Ёртибоши маҳаллаларидаги кўчаларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари авжида. Йўллар текисланиб, шағал, шебень билан қопланмоқда. Масалан, Дардоқтепа маҳалласидаги Зебунисо, Ёртибоши маҳалласидаги Дилизҳор кўчаларининг 150 метр қисмига шағал ётқизилди.

“Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида ишга тушадиган янги объектлар ҳисобига кўплаб иш ўринлари яратилади. Бир сўз билан айтганда, бу борада вилоятда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш баробарида аҳолининг яшаш шароити, турмуш фаровонлиги янада юксалтиради.

Самарқанддан дараклар

# Ургут ҳаётидан бир кун

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ургутлик бинокорлар саъй-ҳаракати билан туман тиббиёт бирлашмаси жамоасига ажойиб совға ҳозирланди.**

Маҳаллий бюджетдан ажратилган уч миллиард сўм маблағ эвазига бу ерда гемодиализга муҳтож беморларни даволашга мўлжалланган сунъий буйрак бўлими фаолият кўрсата бошлади. Жаҳон андозалари талабига монанд таъмирланган бино замонавий тиббий жиҳозлар, ноёб асбоб-ускуналар билан таъминланган ва барча шароитлар яратилган.

**“Ватанпарвар” ташкилотининг туман ўқув-спорт, техника клубида ёшларга касб ўргатиш, ҳарбийликка тайёрлаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Ташкилот раҳбари Ихтиёр Ўткиров, бош мутахассис Аминжон Каримов, йўл қоидаси дарси ўқитувчиси Қўлдош Қурбонов кабиларнинг бу борадаги фаолияти таҳсинга сазовор. Улар ўзлари ҳамкорлик қилаётган ўқув муассасалари, корхоналарга тез-тез ташриф буюриб, йигит-қизлар билан турли мавзуларда учрашувлар уюштиришяпти, ёшларни Ватанни севишга, ҳалол ва садоқат билан хизмат қилишга ундашаётгани, айниқса ўз самарасини бераётир. Яқинда жамоа аъзолари туман халқ таълими бўлимига қарашли 26, 28, 107 ва 151-умумтаълим мактабларида бўлиб, навқиронлар билан “Ватаним тақдири – менинг тақдирим” ҳамда “Йўл қоидаси – умр фойдаси” шиори остида давра суҳбатлари уюштирди.

**Туманда “SXF Construction Group” компанияси буюртмасига асосан “Urgut mall” савдо-кўнгилочар мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Мажмуа ургутликларга катта қулайлик яратиш баробарида кўплаб иш ўринлари очиш, хайрли лойиҳаларни амалга ошириш марказига айланди.

Қиймати 150 миллиард сўмга тенг йирик кошонани компания таркибига кирувчи “BIG STORY BUILDING” МЧЖ қурувчилари икки йил давомида бунёд этди. Уч қаватли бинода 1 200 та савдо дўкони, турли томошалар, ўйинлар ўтказиладиган заллар мавжуд бўлиб, харидор ва мижозлар учун барча шароитлар яратилган.

# Ижтимоий сўровнома ўтказилди

**Наргизахон ХАЙРУЛЛАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Талаба ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқишини янада ошириш, глобализация жараёнида уларнинг мустақил позициясини шакллантириш, шунингдек, шиддаткор ҳаётимизда турли руҳий эмоционал ҳис-туйғулар билан эмас, балки ақл билан иш кўришга ўргатиш, энг муҳими мақсадга эришиш йўлида ҳам руҳан, ҳам жисмонан кучли бўлиш кўникмаларини шакллантириш давр тақозоси.**

– Бу борадаги ишларга Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси ҳам катта эътибор бериб келади, – дейди Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Феруза Мирзаева. – Жумладан, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларда ижобий эмоционал фон яратиш, муносабатларни уйғунлаштириш, талабаларда психо-эмоционал стресс ва чарчоқни йўқотиш мақсадида “Муҳаббат – менинг нигоҳимда” мавзусида психологик сўровнома ўтказилди.

Тадбирнинг асосий қисми китобхонлик фестивали билан давом этди. “Китоб менинг ҳаётимда” мавзусидаги маънавий психологик акцияда ҳам институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар фаол қатнашишди. Акция давомида педагоглар жамоаси, ходимлар ҳамда талабалар “Китоб менинг ҳаётимда” мавзусига муносабатлари ифода этилган баннерлар тайёрлаб, мутолаанинг инсон дунёқараши ва тафаккурининг кенгайишида тутган ўрнига доир изоҳларини ижодий ишларида акс эттириб, ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир давомида талабалар иштирокидаги китобхонлик викторинаси бўлди. Фаол иштирокчиларга адабиётлар совға қилинди.

# Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!



Май ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси назорат инспектори **Ахрорбек Ғуломов,**

Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Жахонгир Хазратов,**

Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи **Ўткиржон Турдиев,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Турғунпўлат Хусанов,**

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси Аҳоли пунктлари, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими етакчи мутахассиси **Озоджон Рахматов,** Каттақўрғон шаҳар қурилиш бўлими бош мутахассиси **Амин Бобомуродов,** Оқдарё тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Жамшид Абдуллаев,**

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар қурилиш бўлими Давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича мутахассис-архитектор **Ахмаджон Исоев,**

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектори **Олимжон Назиров,** Оҳангарон тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектори **Давлатбек Нишонов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси инспектори **Азиз Ходжаев,**

Хоразм вилояти, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Фахриддин Ахмедов,** Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази катта мутахассиси **Фарҳод Абдуллаев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-543.
2544 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Р. Хўжаева.
ЎзА якуни – 23.15. Топширилди – 00.05. 1 2 3 4 5 6